



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

2017 йил “24” апрель №244

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Олий таълим тизимини янада
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”
2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон
Қарорининг ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 22 апрелдаги 07/1-845-сонли топшириги ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Вазир ўринбосарлари, барча бошқарма ва бўлим бошликлари, вазирлик хузуридаги марказлар ва ташкилотлар раҳбарлари, идоравий мансублигидан қатъий назар барча олий таълим муассасалари раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарорининг сўзсиз ижросини таъминлаш учун қабул қилинсин.

2. Вазир ўринбосарлари мазкур қарорни барча олий таълим муассасалари бошқарув ва раҳбар ходимлари, профессор-ўқутувчилар эътиборига етказилиши ташкил этилишини таъминласин.

3. Барча бошқарма ва бўлим бошликлари, вазирлик хузуридаги марказлар ва ташкилотлар раҳбарлари мазкур қарор мазмун-моҳияти барча ходимлар томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилишини ташкил этсин.

4. Идоравий мансублигидан қатъий назар барча олий таълим муассасалари раҳбарларига:

4.1. Бир ҳафталик муддатда мазкур қарор мазмун-моҳияти бўйича олий таълим муассасаси Кенгашида шахсан раҳбар томонидан тақдимоти ўтказилсин;

4.2. Икки ҳафталик муддатда олий таълим муассасасининг ҳар бир факультетига маънавий-маърифий ишлар, ўқув ишлар, илмий ишлар проректорлари бириктирилиб, факультетнинг бошқарув ходимлари ва

профессор-ўқитувчиларининг тўлиқ таркиби учун улар томонидан мазкур қарорнинг тақдимотлари ўтказилиши таъминлансан;

4.3. Уч хафталик муддатда олий таълим муассасасининг факультет декани иштирокида ҳар бир кафедра йиғилишида кафедра мудирининг тақдимоти асосида профессор-ўқитувчилар томонидан мазкур қарорни батафсил ўрганиш семинар шаклида ташкил этилсин;

4.4. Жорий йилнинг 10 майига қадар олий таълим муассасаси Кенгаши ва факультетлардаги тақдимотларга оид видео лавҳалар вазирликнинг “Ахборот хизмати” (Ф.Бабашев)га (ax@edu.uz электрон манзилига) тақдим этилсин;

4.5. Жорий йил 30 майига қадар олий таълим муассасасида ҳар бир факультетда қарорни ўрганиш натижалари юзасидан интерактив семинар ташкил этилиб, ҳар бир факультетга ва кафедрага баҳо берилсин;

4.6. Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган “Ахборот соатлари”да мазкур қарор кабул қилинишидан кўзланган мақсад, унинг мазмун-моҳияти тўғрисида талабалар ўртасида кенг тушунтириш ишларини гурӯҳ мураббийлари олиб бориши ташкил этилсин, гурӯҳ мураббийлари тегишли материаллар билан таъминлансан;

4.7. Мазкур қарорни марказий ва худудий ОАВларда ёритиш ташкил этилсин ва ҳар ойнинг охирги санасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот “Ахборот хизмати” (Ф.Бабашев)га (ax@edu.uz электрон манзилига) тақдим этилсин. Мазкур жараёнга олий таълим муассасасининг пухта тайёрланган энг тажрибали, раҳбар ва профессор-ўқитувчилари жалб этилсин.

Ёритиладиган материалларнинг сифатли ва мазмунли тайёрланишига шахсан олий таълим муассасасининг раҳбари масъул этиб белгилансин.

5. Назорат ва мониторинг бошқармаси (Р.Аллаберганов)га бир кунлик муддатда мазкур қарорнинг ижроси бўйича вазирликнинг чора-тадбирлар режасини ишлаб чикиш ва тасдиқлаш учун раҳбариятга киритиш вазифаси юклатилсин.

6. Вазир ўринbosарлари, барча бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вазирлик ҳузуридаги марказлар ва ташкилотлар раҳбарлари мазкур қарорнинг ижроси бўйича маълумотларни ҳар ойнинг 3-санасидан кечиктирмасдан Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун Назорат ва мониторинг бошқармаси (Р.Аллаберганов)га тақдим этиб борилишини таъминласинлар.

7. Назорат ва мониторинг бошқармаси (Р.Аллаберганов)га Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори ижроси бўйича ҳар ойнинг 5-санасида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борилишини таъминласин.

8. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда колдираман.

Вазир



Р.Касимов

Р.Касимов